

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

РЕФЕРАТ

Мавзу: Демократия тушунчаси моҳияти

Бажарди: Ботиров Хуршид

Тошкент – 2014

Демократия тушунчаси моҳияти

Бугунги кунда жаҳондаги кўплаб давлатлар демократик тамойиллар асосида ўз тараққиёт моделини шакллантиришга интилиши, демократиянинг моҳиятини илмий асосда ўрганиш, бу борадаги замонавий назарий ёндошувлар тадқиқ этишнинг долзарб эканлигини кўрсатмоқда.

Таъкидлаш жоизки, демократияни илмий таҳлил этишга уринишлар кадимдан бошланиш бугунга қадар давом этиш келишига қарамай, умумилмий ягона таърифга эга эмас. Манбаларда демократияда "халқ олий ҳокимият тимсолига эга бўлиб, бу ҳокимиятни ё ўзи бевосита амалга оширади ёхуд эркин сайлов тизими орқали ўзлари танлаган вакиллари воситасида амалга оширадилар", деб таърифланади. Авраам Линколн (АҚШ XVI президенти) нинг сўзларига қараганда, демократия - "халқнинг шу халқ учун амалга оширадиган халқ бошқарувидир".

Шу жиҳатдан И.Илин таърифи ҳам қизиқиш уйғотиши мумкин. У шундай ёзади: "Демос" сўзи халқ маъносини англатади, "кратос" сўзи куч, ҳокимиятни ифодалайди. Ҳақиқий давлат шу маънода "демократик" бўлиши мумкинки, ўзининг энг яхши кучларини халқдан олади ҳамда уни ўз тузилишида тўғри иштирок этишга жалб қилади. Бу шу энг яхши, кучларнинг доимий танлови давом этиб, халқ ўз давлатини тўғри куришни билиши даркор¹.

¹ Пугачев В.П. Соловьев А.И. Введение в политологию: Учебник для студентов высш. учеб. заведений. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Аспект Пресс, 1999. – С.427.

“Сиёсатшунослик” дарслигида келтирилишича, ҳозирги даврда “демократия”нинг бир неча маънолари мавжуд. “Демократия”нинг биринчи маъноси этимологияси, яъни атама сифатида келиб чиқиши билан боғлиқ. Чунки қадимги Грецияда пайдо бўлган “демократия” атамаси demos – “халқ”, kratos – “ҳокимият”дан иборат бўлиб, “халқ ҳокимияти” деб таржима қилинади. Бироқ тадқиқотчи К.Бахриевнинг эътирофича, демократия кеча пайдо бўлгани йўқ, қолаверса, у Ғарбнинг маҳсули ҳам эмас, аксинча, демократия қадим-қадимда Шарқда шакллангандир. Ғарчанд биз кўп йиллик цивилизация тарихини юнонлардан, римликлардан бошлаб ўрганган бўлсакда, қадим маданий тараққиёт аслида ҳиндлардан, улардан ҳам аввалроқ хитойликлару туркий хунлардан бошлангани бугун биз учун сир эмас. Ўтмишдан Конфуцийдан бу ўткинчи дунёда одамдай яшаш учун керак бўладиган йўлни, ҳаёт тарзини биргина сўз билан ифодалаганда, у қандай сўз бўларди деб сўрашганида у – кенглик дея жаво берган. Аслида демократия шу – бағрикенглик, муроса, бировни чидаб эшитиш, кенгашиш, можароларни сиёсий йўл билан ҳал қилмоқ, қанчалик ноқулай бўлмасин, ўзгача фикрни ҳам эшитмоқ, ҳамма ижтимоий табақалар билан, халқ билан ҳисоблашмоқдир. Инсоний муносабатлардаги ана шу бағрикенгликни давлат сиёсатига айлантириб, уни “демократия” деб атайдилар².

Демократия – доимий ўзгариш, ровожланишда бўлган ҳодиса. Инсон кўли билан демократия эзгуликка ҳам, Ёвузликка ҳам йўналтирилиши

² Бахриев К. Демократия ва инсон ҳуқуқлари. / Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари туркимидан 10-рисола. –Т., 1997. –Б.33.

мумкин. Кейингиси юз бермаслиги учун бу ҳодисанинг табиатидан келиб чиқадиган барча нуқсон-иллатлар ҳақида ўз-ўзига яхшилаб ҳисоб бериш керак бўлади. Асрлар давомида аксилдемократик тафаккурнинг жуда мустаҳкам анъаналари мавжуд бўлиб келганлиги тасодифий эмас. Айрим тадқиқотчилар “демократия” сўзининг том маъноси кўпчилик ўйлаганидек “халқ ҳокимияти” эмас, балки “йўқсиллар ҳокимияти” (demos – мулксиз, йўқсил, мансабсиз) деб ҳисоблайдилар. Бу фикрни рад этиш шунинг учун ҳам мушқилки, Қадимги Грециядаги Афина давлатида 400 минг аҳоли бўлиб, унинг фақатгина 40 мингигина тенг ҳуқуқли фуқаролар бўлишган. Мана шу ўн фоиз аҳоли бутун “демос” номидан ҳокимиятга даъвогарлик қилган. Бунинг аёллар, кўчиб келганлар, қуллар сиёсий ҳуқуқларга эга бўлмаганлар³. Шунингдек, “демократия” нисбатан салбий ва ижобий муносабатлар муносабатлар илмий доираларда инсоният ривожланишининг ҳар босқичида мавжуд бўлганлигини кузатиш мумкин. Юқоридаги кўшимча қилиб айтганда, Антик давр (Афлотун, Полибий), ўрта асрлар (Макеавелли) ва ҳатто Янги ва Энг янги давр олимлари (Крозье, Хантингтон) демократияга танқидий муносабатда бўлдилар, анархия, ўзбошимчаликка ўта мойил бошқарув шакли ҳисоблаб, демократияга нисбатан ижобий қарашга эга бўлмаганлар. Масалан, Афлотун учун демократия қарийб ҳамиша бемаъниликка айланиш билан якун топди. “Ҳокимият оломон кўлида экан,

³ Одилқориев Х.Т., Раззоқов Д.Х. Сиёсатшунослик. –Т.: Ўқитувчи, 2008. –Б.194-195.

сафсатабозлик ҳал қилувчи аҳамият касб этадилар ва қонунлар ўрнини халқ қарорлари эгаллайди”⁴.

Феодализм босқичида авторкратия – авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтадиган якка шахснинг ҳукронлиги, яъни монархия давлат ташкилотининг етакчи шакли эди: у демократияга очикдан очик салбий муносабатда бўлди, бошқача фикрлайдиганларни шафқатсизлик билан қатоғон қилди.⁵

“Демократия” ибораси Янги замонда, инглиз ва француз буржуа инқилоблари даврида ижобий мазмунга эга бўлди. Ш.Л.Монтескьё, Т.Гоббс, Ж.Локк, Ж.Ж.Руссо, И.Кант каби мутафаккирлар ўз қарашлари билан бу терминнинг илгарги ҳуқуқини тиклашдилар. Ш.Л. Монтескьё (Ж.Локк билан бир вақтда) вакиллик демократиясининг институционал асосини – ҳокимиятнинг бўлиниш назариясини таклиф қилди. Бу демократияни кашф этиш эди, “Инсон ҳуқуқлари декларацияси” (1791) эса демократияни давлат ташкилоти сифатида республика шаклида расман эътироф этди. Ушбу қарашни немис олими Б.Гуггенбергер ўзининг “Демократия назарияси” мақоласида ҳам ёқлаб чиққан⁶.

19 асрда демократияга нисбатан, умуман олганда, яна салбий муносабат билдирила бошланди. Жамоатчилик фикрида демократияга нисбатан қайтадан ижобий муносабат шаклланиши учун машҳур француз

⁴ Качоха В. Проблема общего блага в современной демократии // Вопросы философии. – М. – 2000. – № 5. – С.321.

⁵ Ғофуров С.М., Хайдаров А.А., Тўланова Н.Ў. Сиёсатшунослик асослари. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. –Б.118-119.

⁶ Гуггенбергер Б. Теория демократии. // Полис. –1991. –№4. –Б.137.

давлат ва сиёсат арбоби А.Токвиль (1805-1859)нинг “Америкада демократия” китоби пайдо бўлиши катта туртки бўлди.

А.Токвиль демократия деганда тоифалар ўртасидаги тафовутнинг йўқолиши, фуқаролар сиёсий тенглигининг қарор топишини тушунди. 18 ва 19 асрлардаги инқилоблар ўрта асрлардан мерос бўлиб келаётган ҳар бир кишининг ҳокимият тизими, нуфузи, маданиятидаги мавқеи аниқ белгиланадиган тарихий тузилмаларга барҳам берди⁷.

Демократиянинг этимологик таърифи бўйича “халқ ҳокимияти” деган маънони берса, уни нисбатан кенгроқ тушуниш демократиянинг – иккинчи маъносини – келтириб чиқаради. Унга кўра демократия – “бошқарув ва қарорлар қабул қилинишида аъзоларнинг тенг иштирокига асосланувчи ҳар қандай ташкилотнинг тузилиш шакли” деб эътироф этилади.

Учинчи маънода демократия қадриятларнинг маълум бир тузумига асосланувчи ижтимоий тузим идеали сифатида тушунилади ва унинг қадриятларига эркинлик, тенглик, инсон ҳуқуқи, халқ суверенитети ва бошқалар киритилади.

Тўртинчи маъносида демократия халқ ҳокимиятчилиги, демократик мақсадлар ва идеалларни амалга ошириш учун ижтимоий ва сиёсий ҳаракатлар сифатида қаралади. Ҳозирги тушунишда демократия камчилик ҳуқуқини ҳимоя қилган ҳолда кўпчиликнинг ҳокимиятини, асосий давлат органларининг сайланишини, фуқаролар ҳуқуқлари ва сиёсий

⁷ Ўша жойда. –Б.119.

эркинликларнинг мавжудлигини, уларнинг тенг ҳуқуқлигини, қонуннинг устиворлигини, конституционализм ва ҳокимиятнинг бўлинишини билдиради⁸.

Ҳозирги замон жамияти ўзининг мураккаблиги, кўпсонлилиги билан бевосита демократияни амалга ошириш имкониятига эга эмас. Шунинг учун бугунги кунда унинг энг кўп қўлланиладиган шакли вакиллик демократиясидир. Бунда фуқаролар сиёсий қарорларни қабул қилиш, қонунларни таърифлаб бериш ҳамда ижтимоий фаровонлик йўлидаги дастурларни ҳаётга татбиқ этиш учун расмий шахсларни сайлайдилар. Бу расмий шахслар мураккаб ижтимоий муаммоларни чуқур ўйлаб, тартибли ҳал этишлари мумкин. Бунинг учун улар бошқа хусусий шахслар эга бўла олмайдиган куч ва вақтларини сарфлашлари керак бўлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларатсияси” (1948) қабул қилинганидан кейин дунёда демократия учун курашнинг янги тўлқини бошланди. Ҳозирги вақтда демократия - халқни ҳокимият манбаи, деб эътироф этувчи, фуқаролар тенглиги, озчилик ҳуқуқларининг ҳимояловчи, давлатнинг асосий органлари - сайловлар натижасида шаклланувчи сиёсий ҳокимият тизими, сифатида тушунилади⁹.

⁸ Одиқориев Х.Т., Раззоқов Д.Х. Сиёсатшунослик. –Т.: Ўқитувчи, 2008. –Б.194-195.

⁹ Политология: Учебное пособие / Под ред. Г.В. Полуниной. – М.: Акалис, 1998. – С.171-172.

Шу жиҳатдан замонавий сиёсатшуносликда “демократия” иборасини тўрт маънода қўллаш унинг мазмунини тўлиқ англашга хизмат қилиши мумкин:

- 1) асосийси – халқ ҳокимияти, “халқ бошқаруви, халқ томонидан сайланган ва халқ учун сайланиш”;
- 2) аъзоларнинг бошқарувдаги тенг ҳуқуқли иштироки ва кўпчилик овози билан қарорлар қабул қилишга асосланган ҳар қандай ташкилотнинг тузилиш шакли;
- 3) муайян қадриятлар тизими, муайян дунёқарашга асосланган идеал жамият тузуми. Эркинлик, тенглик, инсон ҳуқуқи ва бошқаларни бу идеалнинг таркибий қисмлари қаторига киритадилар;
- 4) халқ ҳокимиятига интилган ижтимоий ва сиёсий ҳаракатлар, демократик мақсад ва идеалларни амалга ошириш¹⁰.

Бундан ташқари бугунги кунда “демократия” конституциявий-ҳуқуқий тушунча сифатида қуйидаги элементларни ўз ичига қамраб олади:

- 1) давлат ва ижтимоий масалаларни ҳал этишда халқнинг ўзи бошқарувни ташкил этадиган ҳаёт ва турмуш тарзи бўлиб, уларнинг устидан ҳеч ким раҳбарлик қилмайди. Ижро ҳокимияти тизимидаги раҳбар шахслар ва қонун чиқарувчи ҳокимият органлари халқ томонидан сайланади ва улар олдида масъулдирлар. Шундай қилиб, конституциявий-ҳуқуқий жиҳатдан демократия – бу халқ ҳокимиятчилигига асосланган давлат бўлиб, ўзининг

¹⁰ Ғофуров С.М., Хайдаров А.А., Тўланова Н.Ў. Сиёсатшунослик асослари. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. –Б.120.

қуйидаги институтларига эга: ошкора амалда бўлган давлат ҳокимият органларига; давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги масъулиятни ҳокимиятларни тақсимланиши тамойилига кўра амалга оширилиши, бошқарувда умумдавлат, ҳудудий, шунингдек миллий манфаатларни ҳисобга олиниши; сайловчиларнинг хоҳиш-истакларини эркин ифодаловчи, муқобилликка асосланган сайлов тизимида; такомиллашган ҳуқуқий тизимга эга эканлиги, жумладан ривожланган қонунчилик ва ихчам қонун чиқариш жараёнига эгалиги; қонунийликни ҳимоя қилувчи органлар тизимининг мавжудлиги ва шу кабилар;

2) шахс эркинлиги, яъни ҳар бир инсоннинг Конституцияда ва бошқа ҳуқуқий актларда мустаҳкамлаб қўйилган шахсий, умумий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланганлиги ва ҳимоя қилиш воситаларининг мавжудлиги;

3) Конституцияда белгилаб қўйилган сиёсий плюрализмнинг мавжудлиги, яъни сиёсий институтларнинг шаклланишида ва давлат фаолиятида фуқароларнинг турли ижтимоий бирлашмаларининг иштирок этиш имконияти мавжудлиги. Жамиятда ошкораликнинг мавжудлиги, фуқароларнинг муҳим масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш ҳуқуқи, ўз фикрларини билдириши ва қонуний йўл билан фикрларини қонун актларида ҳисобга олинишига эришилишини таъминланганлиги;

4) жамиятга фойдаси тегишини ҳар бир фуқаро англаб етиши, қонун лойиҳаларини муҳокама қилишда, референдумда, сайловда ва шу кабиларда иштирок этиши зарурлигини англаб етишлари;

5) Конституциявий тузумнинг асоси сифатида демократия – бу интизом, шахснинг жамият ва давлат олдидаги масъулиятidir. Демократия анархия билан, қонунларга риоя қилинмаслик билан сиғиша олмайди¹¹.

Хулоса қилиб айтганда, “демократия” тушунчаси ва унинг мазмун-моҳиятини очиб беришга қаратилган кўплаб илмий изланишлар мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги этимологик жиҳатда демократияга нисбатан “халқ ҳокимияти” сифатида қарашади. Бироқ, демократия моҳиятини турлича таҳлил этиш, унинг ижобий ва салбий хусусиятларини танқидий ўрганишга интилишлар кузатилмоқда ва бу илмий тортушувлар ягона умумэтироф этилган таъриф шаклланишига тўсқинлик қилмоқда. Замонавий даврда демократия мамлакатда давлат ҳаётини демократик асосларда ташкил қилиш; фуқароларнинг кенг ҳуқуқ ва эркинликлари мавжуд бўлиши; сиёсий плюрализм ва ижтимоий ташкилотларнинг хилма-хиллиги; аҳолида давлат органларини ва мансабдор шахсларни сайлаш учун ҳуқуқи борлиги; муқобилликка ва рақобатга асосланган сайлов тизимининг мавжудлиги; давлат органлари фаолиятининг ошқоралиги; қонунийлик тартиботининг мавжудлиги сингари кенг қамровли маъно ва хусусиятларга эга тушунча сифатида эътироф этилаётганлигини кузатиш мумкин.

¹¹ <http://www.lex.uz/cuz/spr/lugat/d8.html>